ИНФОРМАТИКА ФАНИ АМАЛИЙ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИДА "АҚЛИЙ ҲУЖУМ" МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ

М.РАҲМОНОВ, Г.ТЕМИРОВА

В статье разработаны методические рекомендации по применению метода «Мозговой штурм» на практических занятиях по информатике в профессиональных колледжах.

This article is given the methodological recommendation in using the method "mind attack" at practical lessons in information technology of professional colleges.

Муҳтарам Президентимизнинг: "Янги аср бўсағасида биз сифат жиҳатидан тамомила янги халқлар жамиятига, чуқур интеграциялашган иқтисодий маконга, ягона коммуникация ва ахборот тизимига кириш учун шаҳдам қадамларни босмоқдамиз. Ўша жамиятда яшаб кетиш анчагина тайёргарликни, билимни талаб қилишини ҳам бугун англаб етдик. Босган қадамларимиз қатъиятли ва ишончли бўлиши учун эса бизга замонавий, бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган рақобатбардош кадрлар зарур" [1;144],- деган фикрлари таълим (дарс) жараёнига янги педагогик технологиялар элементларининг тадбиқ қилиниши нечоғли долзарблигини кўрсатади. Шунга кўра, ёшларга таълим беришда турли янги педаго-

гик технологияларни қўллаш орқали пухтароқ билим бериш масалалари педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилмоқда.

Янги педагогик технологияларнинг турли методлари бўлиб, биз “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида информатикадан амалий машғулот ташкил этиш йўллари билан танишиб чиқамиз.

“Ақлий ҳужум” жамоа бўлиб муҳокама қилишнинг самарали методи бўлиб, унда қўйилган муаммо ечимини топиш барча иштирокчиларнинг фикрларини эркин ифодалаш орқали амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” ташкил этилиш тамойилига кўра жуда содда: ўқитувчи муаммоли масалани қўяди ва ўқувчилардан ушбу масалани ечиш бўйича ўз фикрларини баён қилишни сўрайди. Ушбу босқичда иштирокчилар томонидан айтилган фикрларга муносабат билдириш ёки унга баҳо бериш таъқиқланади: барча иштирокчилар ўзининг фикрини, тўғри ё нотўғри эканидан қатъий назар айтишга ҳақли. Айни шу нарса “Ақлий ҳужум” ёрдамида бир неча дақиқа ичида ўнлаб мулоҳазаларни олиш имконини яратади, яъни қўйилган муаммога турли томонлардан “ҳужум” уюштирилади. Бу ўринда асосий мақсад мулоҳазалар сони эмас, улар масаланинг тўғри ечимини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши муҳимдир.

“Ақлий ҳужум” нинг қоидалари қуйидагилардир:

– таклиф этилаётган ғоялар баҳоланмайди ва танқид қилинмайди;

– ғоялар сони кўп бўлиши керак;

– ҳар қандай ғояни кенгайтиришга, ривожлантиришга ҳаракат қилиш мумкин;

– ҳар бир ғоя ёзиб борилади (жуда бўлмаса очқич сўзлар ёки иборалар ёрдамида);

– “Ақлий ҳужум” ўтказиш вақти қатъий ўрнатилади ва унга риоя қилинади.

“Ақлий ҳужум” тугагандан сўнг таклифлар таҳлил қилинади ва улардан энг қимматлилари кейинчалик улар билан ишлаш учун танлаб олинади [2;147]. Таҳлил жараёнида, аввало, таклифнинг фойдали жиҳатларига эътибор қаратилиши лозим.

Дарс мавзуси: “Microsoft Power Point”

Дарснинг мақсади: ўқувчиларнинг слайд, презентация, гипермурожаат(гиперссылка) тушунчалари бўйича олган назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларни амалда қўллаш кўникмаларини чуқурлаштириш. “Ақлий ҳужум” усули ёрдамида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини кенгайтириш. Масала юзасидан ўз фикрларини нутқий баён этиш малакаларни мустаҳкамлаш.

Лаборатория жиҳозлари: ўқув компьютер хонаси. P-IV русумидаги персонал компьютерлар. мультимедиа проектор қурилмаси.

Дарснинг бориши.

Дарсни ташкил этиш. 5 минут.

Маъруза дарсларимизда қўлланган кўргазмали плакатлар доска четига илиб қўйилади. “Microsoft Power Point” мавзуси юзасидан берилган топшириқ доскага ёзилади:

Берилган материал юзасидан презентация ўтказилаётганда тайёр слайдларни танлашда нималарга эътибор берилиши керак. Power Point дастурида гипермурожаат (гиперссылка)ларни қўллашнинг зарурияти ва уни амалга ошириш усулларини баён этинг.

Ўқитувчи: Ҳурматли ўқувчилар, бугун биз маъруза дарсларимизда ўтилган “Microsoft Power Point” мавзуси юзасидан амалий машғулот ўтказамиз. Ўқувчиларнинг ушбу масала юзасидан ҳар қандай фикрларини эътиборга оламиз ва гуруҳ билан уларни таҳлил қиламиз. Бунинг ёрдамида амалий машғулотимиз давомида сизларнинг мустақил фикрларингизни текшириб кўрамиз. Амалий машғулот дафтарингизга доскага ёзилган топшириқларни кўчириб олинг”.

Ўқувчилар берилган топшириқни дафтарига кўчирадилар.

Ўқитувчи: Ҳурматли ўқувчилар, ҳар ким дафтарига топшириқ юзасидан ўзининг фикр-мушоҳадаларини ёзсин. Сизларга 10 минут вақт берилади.

Берилган топшириқ юзасидан ўқувчиларнинг савол беришлари кутилади.

Ўқитувчи берилган саволларга жавоб берилмаслиги, ҳар ким ўз тушунчаларини ёзиши кераклигини таъкидлайди.

Айтилган вақт ўтди.

Ўқитувчи ихтиёрий ўқувчидан топшириқ юзасидан ёзган фикрларини сўрайди. Шу тарзда камида 5 ўқувчининг фикрлари гуруҳ билан ҳамкорликда тингланади. 20 минут.

Фикрларини баён этган ҳар бир ўқувчининг исм-фамилияси ёзиб борилади. Ўқитувчи берилаётган фикрларни тўғри ёки нотўғрисига махсус белгиларни қўйиб боради. Масалан, тўғри фикрга Р (Рост), нотўғри фикрга Ё (Ёлғон).

Баён этилаётган фикрларга бошқа ўқувчиларнинг қўшилмаслиги, аралашмаслиги қатъ-

ий талаб этилади, берилган фикрларга жавоб бераётган ўқувчининг ўзи қўшимча қилиши мумкинлиги уқтирилади.

Фикрлар тингланиб бўлгандан сўнг, ўқитувчи уларни таҳлил қилиб беради. Яъни қайси ўқувчининг нутқий баён этиши қийин кечаётгани, фикрларни алгоритмик тарзда баён эта олган-олмагани ҳақида маълумотлар тўпланади. Ўқитувчи ўз дафтарига қўйган махсус белгиларга қараб тўғри (Р), нотўғри (Ё) фикрлар нечта эканлиги баён этади. 20 минут.

Ўқитувчи томонидан бирор фан (масалан, География фанидан “Дунё материклари”) юзасидан олдиндан тайёрланган презентация намойиш этилади. 10 минут.

Намойиш тугагандан сўнг ўқитувчи презентацияда нечта слайд ишлатилгани, неча бора гипермурожаат(гиперссылка) қилингании, стандарт анимацион эффектлардан қандай фойдаланилгани тушунтирилади. 10 минут.

Уйга вазифа.

Бирор мавзу юзасидан презентация тайёрлаш учун материаллар тўплаш (матн, расм, видеоролик, диаграмма, жадвал ва б.). Тайёрланадиган презентация лойиҳасини ишлаб чиқиш. 5 минут.

Юқоридаги каби амалий машғулотлар ўтказиш учун ўқитувчидан ўқувчиларга қизиқарли бўлган материаллар топа билиш, бошқа фанлар доирасидаги маълумотлардан хабардорлик ва улардан ўринли фойдалана олиш, турли фанларга тааллуқли масалаларини ахборот технологиялари асосида ҳал эта олиш, фанлараро алоқадорликни яхши билиш, Интернет материаллари ва ўқитишнинг интерфаол усуллардан моҳиронв ва унумли фойдалана олиш каби малакалар талаб қилинади.

Ҳаммага маълумки, информатика фани ҳозирда барча соҳа кишиларига бирдек зарур. Зеро, у барча фанлар доирасидаги амалий масалаларни ҳал этиш, барча турдаги ҳужжатларни компьютерларда тайёрлаш(MS Word), бухгалтерия, статистика, молия соҳаларидаги иш ҳужжатлари(MS Excel)ни юритиш, конференция нутқларини презентация усулида (MS Power Point) ўтказиш каби қулай имконлардан фойдаланишга замин яратади. Демак, замон талабидаги ҳар бир соҳа мутахассисидан компьютер саводхонлигига эга бўлиш, ўз фаолиятида ахборот технологияларидан унумли ва самарали фойдалана олиш талаб қилинади. Шунинг учун бу нарса касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларни келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлаш мақсадига йўналтирилган таълим жараёнининг диққат марказида туриши лозим, токи ўқувчилар коллежларни бу борада етарли билим ва малакани эгаллаган ҳолда тарк этсинлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.- Т.: Шарқ, 1998 .- 144 б.
2. Юлдашев У. Ю., Закирова Ф.М. Информатика ўқитиш методикаси. Педагогика олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т., 2007.- 147 б.

Андижон давлат университети,
2010 йил 26 февралда қабул қилинди.
(Тақризчи: проф.Т.Х.Ҳасанов)